

Исмоил Хикмат.

Озарбойжон Халк Маориф камисарлиги фанний метод шўроси томонидан тасдик этилмиш ва Озарбойжон нашриёти томонидан 5 минг нусхада босилгон. (1925 йил — Бокуда)

Бу асарнинг биринчи жилд, биринчи ва иккинчи хиссаси босилиб чикди. Биринчи хиссаси ўн тўккузинчи аср хаёти адабиясидан бахс этадир.

Бундай бир асарнинг мисоли халигача турк оламида кўрилмайдир. Бу асарнинг бошқалардан энг биринчи айирмаси шулки, ўн тўккузинчи аср турк хаёти адабиясини тартибли суратда, бир мажмуа холида кўрсатадир. Бу иш халигача турк адабиёти хаётида — тазкирачилар ва ажнабий тарихчилар мустасно — бўлмагон бир ишдир. Бу асар тўгрисида халигача жиддий бир танкид чикмади. Бунинг сабабини шундан биламиз. Мисли бўлмагон, яъни халигача ишланмаган бу майдонда калам юрутмак учун шундай бир нарса ёзиш каби бир ташаббус ва меҳнат килиш лозим бўладир. Айникса, гарб турк хаётидан минглар чакирим узокда бўлгон: денгизлар, тоғлар, чўллар каби табиий тўсиклар устига, Чор ҳукуматининг сиёсий мумонеъатлари ва биздаги илмий-адабий ҳаракатнинг ҳечлиги оркасида колгон ва бу асарда зикр килингон шахсларнинг баъзилардан икки-уч байт, баъзиларининг факат отларини билиш ҳам зўрга мумкин бўлгон бизлар учун бу асар тўгрисида жиддий бир нарса дейиш кўп кийиндир.

Бу бир неча йилдан сўнг ижтимоий инкилоб йилларида эса бу масалалар билан уринишга на вақт ва на шароит мусоада қилмагонидан хали ҳам мумкин бўлмади. Бу узрлар ишга колгонда балки ҳечдир. Локин маъзаратчининг биз кабилар бўлғони ва мавкеимиз назарда тутилгонда, табиий, булар буюк монеълар саналса ҳам ўрни бордир. Мана шу узр ва шу муҳокамалардан кейин тубандаги сўзларнинг балки бир киймати колмас. Локин ўзбекнинг «ётиб колгунча, отиб кол» деган мақоли мафодинча ўзимиз билган ёхуд тўгриси, билдик ва танидик деб каноат ҳосил этган шоирлар ҳақидаким, улар бу муаззам таълифда биз учун уч-тўртдан ортук бўлмас, баъзи бир фикрлар юртсак ортукча бўлмас. Эҳтимол, бу ёзгонларимизнинг бир танкидий киймати бўлмас, факат бизда улар тўгрисида қандай тасаввурлар борлигини, бизда - яъни Бўсфўр муҳитида эмас - Туркистоннинг кум, чўллари оркасидаги буталар, кўкатлар кўлагасида ўсган ва муҳитнинг каттиг бўғувчи иссиғлари остида хомлиғича ковурулгонларга қоддиргон таъсирини кўрсатиш жихатидан аҳамияти бўлур.

Бошлаб бу асар марксчилик нуктаи назаридан ёзилмагон, деб эътирозларга учраса мумкин дир. Қандайки, қайси бир ўртоқлар бу ҳақда ёздилар. Бизга колса уларнинг бу эътирозлари, агар амалий бир фикр ва йўл кўрсата олмагон бўлсаларки, ҳеч бир нарса кўрсатмадилар, бу очик бир пулча киймати йўқдир. Фалон, фалон ўрунларда бундай янглишликлар, тушунмаганликлар бор, изох килинмагон нукталар «мана булар» деб кўрсатилмас экан, курук сўз бўлишдан бошқа нарса эмас: «бўш сўз туяга юк» дир. Биз деймизки, бу асарнинг бош мазияти 32 шоирнинг, яъни бир асрга яқин бир муддат адабий ҳаётининг бир тартиб ва бир усул доирасида тизилиши ва адабиётга бир «гул» холида қараш учун муҳим бир йигинди ташкил этгандирки, халигача бу бўлмагондир. Асарни кўздан кечирганлар ва шу ишлар билан таниш кишилар биладирларки, бу майдонда ишлаш қандай кийиндир ва бош огритувчидир! Буни шу ҳодда йигишнинг ўзи

канча фидокорликлар талаб килар экан, узокдан туриб ахил бўлмагонларнинг кесак отишлари ўзларининг канча кийматда бўлишларини фош этишдан бошка бир натижа бермайдир. Дуруст, марксчилик нуктаи назаридан карагонда биринчи бокишда жуда кўб камчиликлар кўриладир. Факат иш ичига кирганда ва тарихимизнинг ҳеч бўлмаса бир нечагина йил кичкинагина бир давринигина кўз олдимизда ижмоли бўлса ҳам тасаввур ва тасвир эта олмагон шу чоғимизда марксисчаки — иктисодий ва ижтимоий ҳаётнинг бутун инжаликларини очиб бериш демакдир — бўлишини талаб этмак кулгули, бир бола талаби эмасмидир? Холбуки, бу асар истар мукаддимасида, истар ҳар муносабат келганда иктисодий ва ижтимоий ҳаётни мумкин қадар изоҳ қилмоқдадир.

Энди мақсадга келайлик: бизнинг танигон шоирлар орасида Абдулҳак Хомид бордир, бу шоир тўғрисида 140 саҳифа таҳсис этилгандир.

Хомиднинг узундан-узок ва ўндан ортук мактуби ва шу муносабат ила бошка орқадошларининг ҳам узун мактублари дарж этилгандир. Холбуки, Хомиднинг адабий шахсиятини - руҳли бир тарзда кўрсататургон бир мактуби - Ризо Тавфиқка «Хомиднома» муносабати-ла ёзгон мактубидан ҳеч нарса кўрсатилмайдир. Хомид у мактубида қайси муҳаррирларни ўқигонини ва қайсиларини ўқумагонини ўзи айтадир ва Хомидни таниш учун энг муҳим шу сўзларни ёзадир:

«Макбар»да ва «Ўлу»да, хусусий-ла «Ўлу»дан зиёда «Макбар»да кўрдиқингиз қусурлар ноқобил инкор бир суратда ошқордир. Таслим эдарам. Ҳашвиёт чўк, гаройибларинг ҳадд ва ҳисоби йўқдир. Ва сиз голибан бунларла иқтифо этмак истиамишсиниз. Соир асаримида тадқиқ этсагиз даҳа чўк нуксонлара тасодуф эдардингиз, бундан аминам ва сиз таъмин эдарамки, бунлар банжа мажҳул дағилдир. Хатто асарими қандим танқид эдажак ўлсам қим билар даҳо нақадар қусурлар кўрурдим. Балки энг сўнграқи асарим ўйла бир танқид ўлажқдир ...»

Яна давом этиб адабиёт оламида қимлар ила қимин бўлгонини ва қимларни танигонини айтадир:

«Адабиёт соир ва сарифаларинда дедигиниз қабир, Қурнай, Ҳуғу, Шекспир ила Шайх Саъдий банга раҳбар ўлмишлардир (Қамол устодимдир, у бошқа). Бунларнинг хорижинда ҳеч бир адиб ва шоир-ла муносабатда бўлинмадигми билмангиз истарам. Пак чўқларини «Хомиднома»да исмлари маъқур ўланлардан ва ўлмайанлардан бир чўқини маъаттаассуф ўқумамишамдир била эҳтимолқи қочмоқдан қуголамай, ёзмоқдан ўқумамай вақтим ўлмишдир. На билайим факат ҳақиқати ҳол будир».

Сўнгра асарларининг мавзуларини қимлардан олгонини тубандағича баён қила бошлайдир:

«Настаран»и Порисда Қурнайнинг «Лўсид»ини ўқудикдан сўнгра ёздимқи, мукаддимасинда гўстариюрим. Маъ-шуқасининг падарини ошиқнинг итлоф этмаси мавзуини «Лўсид»дан олдим. Ёлғиз мавзуини... «Эшбер»да қазалиқ Ҳўросдан муқтабас бир мавзу, ёлғиз бир мавзу вордир. Қамол марҳум мактубларининг бирисиндақи, голибан матбуъдир. «Эшбер» Ҳўросдан муқтабас эсада ундан гўзаддир демиш, бани талтиф этмак истиамишди. Марҳум бу дурли иқтибосоти жоиз гўрур ва табиий бўлурди. Хатто бал «Сардонапол»и ёзарқан, Байруннинг у исмда бир театруси ўлдигини банга ихбор ила ўқумая тавсия этмиш эди. Бан мавзу бўлмоқда доимо гўчлуқ чекдигимдан тарихдан ва шундан-бундан мавзулар олмоқ, онлари истадигим қибир маловалар-ла ёзмоқ мажбуриятинда бўлунан ожазадан ўлдугим «Сардонапол» мукаддимасинда ҳабар вериюрим.

Факат «Макбар» ила «Ўлу»нинг ёҳуд «Балодан бир сас»инг қимсадан олиниш

мавзулари йўқдир. Унларинг мавзулари мазор ила ўлум ва бирда жамияти инсониядир. «Макбар»лар, «Ўлу»лар, «Балодан бир сас»лар кечан гун дагил, кечан асрда ёзилмиш ва ўттуз шу кадар сана аввал босилмиш эди. «Балодан бир сас»си охиран таъб этдилар эсада пак эскидан эскидир. Алхосил, бунлар на икгибос, на таклид, на интихолдир. Тавориддан бошка бир шай ўлмаси махолдир. Таворид такдиринда эса Виктор Хугу киби муаззам бир дохийи шеър ва адаба шу кадаржик ўлсун бир мукоранат хосил ўлмиш демакдирки, на буюк шараф! Факат Акраминг дедиги киби:

Бир харфни мажмуаи бегояи сонинг,
Фахм айламадан бан дахи шоирмийим, э вох.

«Гёте» ила, «Байрун»ла, «Данта» ила ошнолигим пак сатхий ва пак жузъий бир муносабатдир... Даражаларини биламам. Виктор Хугу Шекспир учун ёздиги китобда: духот учун буюк кучук йўқдир деюр, даража тайин этмиюр. Унлар бир-бирига бензамас, факат хар бир бошкча бир йилдиздир, демак истаюр. Инсон буйла демак учун Виктор Хугу киби у йилдизларинг энг буюги ўлмалидир, дагилими?», киби бир мулохаза юритгандан сўнг, турк ва сўнгра Шарк ва Гарб дахолари тўгрисида ўз фикрини ёзадир: «Акрама ёздигим бир мактубда адабиёт оламимизинг «Камоли»и гунаши, «Акрам»и махтоби, «Сазай»ида йилдизли гежаси дея тавсиф этмиш эдим. Акрам жавобан: сангада бунларинг холикими деялим?.. киби бир латифада бўлунарак:

Шаб-тоб эдилсам розиям,
Махтоб эдилмак истамам, -

демиш эди. Дохийилигинг даражаси йўқдир ва банча Гарбда хакикий дохий Хугу ила Шекспир ва Шаркда Саъдийдир. Банча деюрим. Чунки бошкаларини билажак кадар ўкумадим. Сиз ўкумишсингиз биларсингиз...», деб мактубини битирадир. Кўрилгани каби Хомид бу мактубда бутун борлигини очиб берадир. Бунда кўчирилмай колгон шундай парчалар борки, Хомид том маъноси билан ўз сажиясини очиб кўрсатадир. Бу мактубда ахамиятсиз ўтилмайтургон яна бир нукта: Ризо Тавфикнинг «Хомиднома»си тўгрисида айтилган сўздир:

«Хомиднома»да исмлари мазкур ўланлардан ва ўлмаянлардан бир чўкини мааттассуф ўкумамишамдир била!» демак билан Хомид, Ризо Тавфик «Танкиднома»сининг канча хакикий киймати бўлгонини очиб берадир. Ризо Тавфик кўп фозил одам бўлмок билан бирга таъбир ва адабсизлик маъзур кўрулсин, кўп «илмфуруш» бир одамдурки, бун шунда юкоридаги сўзи билан Хомидда айтадир. «Хомиднома»да Хомиднинг бошка кўп шоир ва адиблар билан алоқаси бўлгани ёзиладирки, Хомид уларни ўз мактубида рад килгон бўладир. Бу билан «Хомиднома»нинг мавкеи тайин килинадир.

Исмоил Хикмат ўз татабулари орасида шу мактубга ҳам бир ўрун айирса эди, яна мухимрок бир маъхаз кўрсаткан бўлур эди. Шунча узун мактубларни олгон кишининг бу мактубдан зикр этмаслиги бир турли маъносиздир. Хатто бизга колса, бу асарда кўрсатилган мактублар кўпрак Хомиднинг ёш вақтларига оид бўлиб, бу сўнгиси унинг пишган ва етишган вақти махсули бўлиши жихатидан мухимрокдир.

Иккинчи камчилик, китобда Хомиднинг юксак насридан «хеч намуна берилмагани»дир. Бунда на «Торук» парчаларидан бир нарсаси бор, на «Макбар» мукаддимасидан бир намуна. Холбуки, турк адабиёти насрининг энг юксак намуналари каторида шуларнинг

туриши керакдир.

Учинчи, Хомиднинг санъаткорлигини тахлил килишда Исмоил Хикмат кўп вақт шакл масалаларига боғланиб қоладир. Рухий хаяжон тахлиллари жуда оздир.

Хомид «дохий шоир» аталадир, факат бир «дохий шоир» сифати-ла тахлил этилмайдир, ҳар канча «дохий дохиёна», деган сўзлар кўп ишлатилса ҳам, ўқуб чиқкон киши унинг дахосига у қадар ошно бўлуб чиқмайдир. Чунки тахлил ноқисдир. Масалан, бир ердаги унинг дахоси кўрсатилмақчидир. Ўн байтлик бир намуна бериладирки, у намунада:

Эй ёри жаханнам оғуш,
Абқаму асгару махшар бардуш,—

байтидан бошқа мактанишга муносиб бир нарсаяўқдир. Бундан сўнг мана шунисўзлар айтиладир:

«Бун азамати тазоди ханги шоиримизда гўруриз... Ишта Хомиднинг бутун банлиги, бутун хусусияти ва шахсияти, бутун шеъри ва дахоси: ҳапси-ҳапси бун тазодларинда, бун иттиродсизликларинда, бун тошқинликларинда... У тибки бир фуртинали денгиз кибидир. Доимо чолконтини чолонда гох доғларатирманан улу, журъаткор чилгин долгалар-ла юксалар, юксалалар, гох булдигини оқизиб, кириб гўтуран гирдоб-ла учурумлар холинда дензинг диблўдия чакилан сиёх-сиёх гойалар қадар, дарин ва сиёх бир долгадан мезар ўлур. Орқасиндан етишмақ истаган ё самолардан душар ва эзилер ё деринликларда бўғулиб қолир».

Холбуки, юқоридаги мисол учун бунисўзлар кўп оғирдир. Унинг дахосини кўрсататурғои бундан бошқа кўп қучли парчалар бордир.

Бир еринда (466-нчи саҳифа) «қалбнинг лисони (қлассизм)нинг у қадар ва инжа чарчавасина на гира билер, на чика билер» дейдир. Биз бун жумланинг мадлулини нотўғри топамиз. Фузулийнинг «Лайли-Мажнун»и бошдан-боша у «қалб лисони»дир. Хатто қалб лисони бўлишда баъзи жойларида Хомиддан ҳам ошиб тушадир. Форс шеърида эса Хофизнинг бун қунгача на фурсийда, на турқда унга эришилмаган самимийлиги (қлассизм)нинг тор чарчавасига сигмишдир. Агар чарчаванинг бир таъсири бўлса эди, чарчавани парчалагон расомларнинг бир ортиқлиги бўлур эди. Ва чарчавалилардан юксак бир нарсаяеришлари керак эди. Холбуки, биз уни кўрмаймиз. Бун санъат тарихи қаршимизда...

Хомид ҳақинда ёзилмиш юз шун қадар саҳифа юқорида кўрсатилган қамчиликлари сарф назар этилса, балки уни бир шоир сифатида кўрсатмақ учун қифоя этар. Лоқин дохий аталмиш бир Хомид учун асло қифоя этмас. Унинг дахосини албатта, тахлил этмақ ва айниқса, қайси нуқталарда унга эришмақ мумкин бўлмағонини кўрсатмақ керакдир.

Бун эътибор ила менимча «Али жаноб»нинг «Турк юрди»да босдиргон Хомид юбилесига бағишланмиш мақоласи қийматлидир. Воқеан, Ризо Тавфик ҳам Хомид учун кўп нарсаяёзгондир. Лоқин у асарнинг ичидан саралаб чиқмоқ мумкин эмасдир. У асарларда Хомиддан кўра Ризо Тавфик тахлил этилгандир.

Устод Ақрам ҳақинда эса Исмоил Хикмат жиддан муваффақ бўлгондир. У Ақрамнинг бутун ҳаётини, санъатини яхши тахлил этадир ва жанли ўлароқ кўрсата олгондир.

Хатто шун қадарки, Ақрам ҳақинда ёзмиш жумлаларнинг ўзиданда Ақрам иси келиб турадир. Ақрам ҳақинда ёзилмиш шун қадар нарсани биз ҳалигача кўрмадик.

Охирида шун ҳам айтиб ўтиш кераққим, юқорида кўрсатилган қамчиликлар билан бирга бун асарнинг кўп фазилатлари (ортуқликлар) ҳам бордир. Масалан:

«Хомиднинг Хугодан билхосса айирилан нуктаси лисони эди. Хуго нақадар мунтазам ва хамвор эса, Хомид У қадар лоқайд ва паршондир. Хомиднинг дудоклари орасиндан дўқулан яроли, музтариб калбидир. Хугонинг лисониндан муסיкий афқоридир» каби энг гўзал тасвири таъбирлар бўлгонидек, тубандагича фосех ва балиг ифодалар ила энг тўғри қиймат беришлар бордир:

«Хеч бир қайда бўюн эгмаян, хеч бир бўюндирига гардан вермаян шоир бутун қоидалари зерузабар эдажак бир сармасти ва лоқайди ила юрийиб гедиюр.

Қалби фарёдларини, рухий аламларини, хижронларини, хаяжонларини гоҳ арузнинг дор ва муавваж чанбарлари ичина сўкуюр. Ҳамда тибқи эски Шарқ санъатқорлари қабии зуҳофлар, имолалардан чекинмадан, тараддудланмадан сўкуюр; гоҳ хижо вазнининг сарбаст сийнаси араб ва аҷамнинг энг миллий, энг маҳаллий қалималарини ерлаштириюр. Баъзада қофиядан бошқа бир қайд танимоқ истиамиюр. Хар шайи зоид, хар қонуни хар қоидаи лузумсиз бир занжир, ўлдирувчи бир зулм адо эдиюр.

Ҳапсиндада шоир, ҳапсиндада дохий улиюр. Фақат шакл, лисон ва санъатча қусурлу гўрулуюрди. Ҳосили у бутун улвийяти, бутун навоқиси-ла бир инсон, фақат дохий бир инсонди. Асарларинда қалби ўқунур, руҳи гўрилу. Агар Хомид лисонинада аҳамият версайди, санъатида ихмол этмасайди, қопина даралмаз бир даҳои шеър бир ҳорикои адаб ўлуырди. Маъамафиҳи бу гунда даҳо қопина вериламамишдир».

Шуни ҳам айтиб ўтайлиққи, бу асар жиддий бир танқидга албатта, муҳтождир ва турк адабиёти тарихининг тўғри бир йўлга қўйилиши учун бу жиддан зарур бир ишдир. Буни ахиллардан сўраймиз.

Озарбойжон Маориғ қамиссарлиғи ва нашриётининг турк илми, адабий ҳаётига шундай муҳим бир асар тақдим қилишга маваффақ бўла олгонлари учун ифтиҳор этишга ҳақлари бордир. Булар учун ва асарнинг муҳар-рири Исмоил Ҳикмат учун қолгон қилдларинингда ҳиммат қилиниб майдонга қўйилишининг ва бу йўлда учралатурган монеъларга қўқрак қеришларининг таманносидамиз.

Бу асар 7 юз саҳифадан иборатдир. Босмаси тузуккинадир. Фақат биринчи қилднинг қўп расмлари яхши қикмагондир. Қолгон қилдларида эса бу қамчилиқнинг тузатилиши қерақдир.

Исмоил Ҳикматнинг «Турк адабиёти тарихи» 1925 йилда Боқуда нашр этилган бўлиб, В. Махмуднинг ушбу мақоласи ана шу қитобга тақриз сифатида ёзилган. Мақола «Маориғ ва ўқитғувчи» журналининг 1925 йил 9 -10-қўшма сонларида босилган.